



Суратларда: анжуман пайти.



Р. Нуриддинов олган суратлар.

Умумжаҳон иқтисодий анжумани мажлиси

Умумжаҳон иқтисодий анжумани дунёнинг энг обурли халқаро ташкилотларидан бири ҳисобланади. 1971 йилда тузилган бу ташкилот ўз сўзига АҚШ, Швейцария, Туркия, Хиндистон, Бангладеш ва бошқа мамлакатлардан ириқ иқтисодчилар, банк-молия соҳаси билмандонлари, тажрибали олим ва мутахассислари жамлаган. Ўзгаришлар халқаро ташкилот дунё иқтисодийнинг муаммолари, тараққиёт истиқболлари хусусида қимматли маслаҳатлар беради. Аниқрақ, унинг ривожланиши бўлишига ўтган мамлакатларнинг жаҳон бирлашув жараёнига кириши хусусида бераётган маслаҳатлари фойдаланилади. Халқаро ташкилотнинг маслаҳатлари жаҳонга юз ораётган мустақил Ўзбекистоннинг учун ҳам фойда қилган экани табиий. Шу жиҳатдан олганда, анжуман мажлисининг Ўзбекистонда ўтказилиши аниқ муддао бўлди.

Жаҳоннинг энг йирик халқаро ташкилотлари ҳамда 30 та мамлакат миллий компаниялари, фирмалари ва банклари раҳбарлари ана шу мақсадда 20 апрель кунини Тошкентга келдилар.

Тошкент тайрагоҳида меҳмонларни Ўзбекистон Республикаси Бош вазир А. Муталов, республика таъри

ҳатининг чет эл сармоясини иқтисодийимизга жалб этиш ҳамда халқимизни ижтимоий ҳимоялаш, унинг тинч турмуш ва меҳнат шартининг таъминлаш йўлида амалга ошираётган ишлари хусусида сўзлаб берди.

Сўнгра мажлис қатнашчилари Президент Ислоҳ Каримов иштирокида муҳокама этилаётган масалалар юзасидан мунозара юритдилар.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазир А. Муталов ва Бош вазир ўринбосари Ҳ. Султонов анжуман иштирокчиларига мамлакатимизда хусусийлаштиришнинг амалга оширилиши, чет эл сармоясининг жалб этишда иқтисодийнинг етакчи тармоқлари, сармоялар жалб этиш омиллари ҳамда уни таъмин этувчи қонуний асослар ҳақида ахборот бердилар.

Тушдан сўнг анжуман қатнашчилари секцияларга бўлиниб, банк фаолияти ва молия, қишлоқ хўжалиги, телеалоқа тармоқлари, энергетика ва маъдан захиралари, енгил саноат муаммолари борасида фикрлашдилар.

— Мен Ўзбекистон Президентини Ислоҳ Каримов билан Давосда икки бор учрашганимизни эсимдан бўлмаган, — деди иқтисодий анжуман президенти Ҳ.А. Мухбир билан сўхбатда, — бу ерга келиб, мамлакатимиз иқтисодийнинг ислохотлар билан ақнидан танишгач, Ўзбекистоннинг яқин 10 — 15 йил ичида жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатлари қаторига чиқишига амин бўлдим. Қалайгадир Ўрта Осиёнинг маркази бўлиш Ўзбекистон зиммасига тушади. Шу сабабли биз Ўзбекистон билан амалий ҳамкорлик қилишдан манфаатдоримиз. Мамлакатимизга чет эл сармояларини жалб этишда, янги қўшма корхоналар барпо этишда қўмақлаштириш ниятида.

Ириқ мутахассис ва таъинини жамоат аъзоларидан бундай умилбахш сўзларини эшитиш қувончлидир.

Амалий мунозаралар, муҳокама ва фикрлашувлардан сўнг меҳмонлар Ўзбекистон пойтахтининг дилқув жойларини томоша қилдилар, корхоналарда бўлиб, меҳнат аҳли билан учрашдилар.

Умумжаҳон иқтисодий анжумани иштирокчилари шу кунни кечга яқин Урганч шаҳрига жўнаб кетишди. (Ў.А.)

СУРЪАТ ПАСАЙМАДИ

«ВАҚТИНГ кетди — нақдинг кетди» деб бежиз айтмаган доно халқимиз. Бунга яхши тушунган оққўрғонлик пахтакорлар ҳам ҳозирги пайтдаи унумли фойдаланиб, чигит экиш ишларини қизитиб юбордилар. Бу иш ушқоқлик билан олиб борилган дастлабки хўжаликларда чигит экиш ишохисига етказилди. Шу жумладан Акмал Икромов номи жамоа хўжалигида 821 гектар, Охунбоев номи жамоа хўжалигида эса 574 гектар майдонга сифатли уруғ қадалиб, бу борадаги режа муддатидан ялғари бажарилди.

Райондаги бошқа ялғор хўжаликлар ҳам уларнинг низдан боришмоқда. Ҳамид Олимжон номи, Навоий номи, «Ойтамгал» жамоа хўжаликлари, «Оққўрғон», Сегизбоев номи давлат хўжаликларидан эканли тугаланди, ҳисоб.

Бу йил оққўрғонликлар 17 минг 540 гектар майдонга барожа уруғи қадалиди. Утган кунга қадар бу иш 93,6 фоиз майдонда бажарилди. Аниқ пайтда район деҳқонлари қолган майдонларга ҳам сифатли қилиб чигит экиб, уни ерининг намига ундириб олиш мақсадида меҳнат қилмоқдалар.

Н. РАФИҚОВ.

МЎЛЖАЛДАГИДЕК БЎЛЯПТИ

ЯНГИЙЎЛ районидagi «Дўстлик» жамоа хўжалигининг иштирокчи деҳқонлари ҳам сифатли тайёрланган пайкаларга барожа уруғи қадан ш ушқоқлик билан олиб боришяпти. Азаматлар жорий йилда 670 гектар майдонда «С-6524» навли пахта етиштириб, 1870 тонналик хирмон уюшга охди қилишган.

Хўжаликнинг Абдурахмон Умрзоқов, Неймат Исроилов, Давлат Усмонов, Аҳмад Алижонов, Нурмоҳон Усмоновлар етакчилигидаги бригада деҳқонлардан ҳозирги ғанимат дамлардан оқилона фойдаланиб, чигит экишда қарвонбошлиқ қилмоқдалар.

Барча бригадаларда минерал ўғит, ёнгли-мойлаш материаллари етарли. Шу нинг учун ҳам 11 та селлава ва трактор ёрдамида чигит экиш мароминда ўтмоқда.

Мўл ҳосилга пухта замин яратилди Содиқ Танабоев, Бўрғой Қўшқоров, Сафарали Ҳайдаров, Абдурахмон Умрзоқов сингари тажрибали меҳнаткорлар жонбозлик қўриб ишлаб, кунига 10—12 гектар майдонга барожа уруғи қадомқдалар.

— Масъумини кўнгилдагидек ўтказиш учун деҳқонларга барча қўлайликлар муҳайи этилган, — дейди жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Исмаил Эралиев, — энг асосий вазифа чигитни ерининг табиий намига бир текис ундириб олиб, яшил пайкаларга ҳосил қилишдир.

Э. ТҶАҲОНОВ.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҲАҚИРИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати қарор қилди:

Ҳақиринчи чакриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ҳақиринчи сессиясини 1993 йил 6 майда Тошкент шаҳрида чакирисин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси **Ш. ИҶДОШЕВ.**

Тошкент шаҳри, 1993 йил 20 апрель.

- 1. «Ўзбекистон Республикаси Вазири раёсатининг қарорлари ва ўзгаришлари тўғрисида» Қонуни лойиҳаси ҳақида.
- 2. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисидаги Қонуни лойиҳаси ҳақида.
- 3. Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасидаги «Дўстлик» ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартномани ратификация қилиш ҳақида.
- 4. Ўзбекистон Республикаси билан Қирғизистон Республикаси ўртасидаги «Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартномани ратификация қилиш ҳақида.
- 5. «Ер солиғи тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
- 6. «Суурта тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
- 7. «Валютани тартибга солиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
- 8. «Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
- 9. «Сува ва сувдан фойдаланиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
- 10. «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
- 11. «Ҳокимлар ва маҳаллий давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
- 12. «Урар-жой фонднинг хусусийлаштириш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
- 13. «Мулкчилик тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимчалар ва ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги Қонуни лойиҳаси тўғрисида.
- 14. «Давлат тасаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимчалар ва ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги Қонуни лойиҳаси тўғрисида.
- 15. «Табиркорлик тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимчалар ва ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги Қонуни лойиҳаси тўғрисида.
- 16. «Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимчалар ва ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги Қонуни лойиҳаси тўғрисида.

ЎЗБЕКНИНГ ХАЖУРАТИ

ЎЗБЕКНИНГ ХАЖУРАТИ

- 17. «Ер тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимчалар ва ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги Қонуни лойиҳаси тўғрисида.
- 18. «Маҳсулот белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
- 19. «Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимчалар ва ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги Қонуни лойиҳаси тўғрисида.
- 20. Ўзбекистон Республикаси ҳаво кодекси лойиҳаси тўғрисида.
- 21. Халқаро Фуқаро авиацияси тўғрисидаги конвенцияга доир тузатишларни ратификация қилиш ҳақида.
- 22. «Умумий фойдаланишдаги ҳаво, темирйўл, ички сува ва автомобиль транспорт йўловчиларининг давлат мажбурий шавсий сууртаси тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
- 23. «Жамиятни ахборотлаштириш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
- 24. «Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
- 25. Ўзбекистон Республикасининг «Соғлом авлод учун» орденини таъсис этиш тўғрисида.
- 26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларини тасдиқлаш тўғрисида.
- 27. Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши Раёсатининг қарорларини тасдиқлаш тўғрисида.
- 28. Ўзбекистон Республикасининг давлатлар ҳамда ағнабий шавхлар ўртасидаги инвестицияга доир инзоларни ҳал этиш тартиби тўғрисидаги конвенцияга қўшимчили ҳақида.
- 29. Айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида.

ТОШКЕНТ-ЛЕНИНОБОД

ДИЛЛАР ДИЛЛАРГА ПАЙВАНД

ДЎСТЛАР ДИЁРИДА ИККИ КУН

барчага кўтаринки нафийат бағишлади. Қузатишга йирилганларнинг алоҳида қувончларининг боиси аён. Бекобод району Мастчоҳ району билан аэвдан ён қўшни, жон қўшни. Ўзгаришдан сува ичишида, ерлари, чегаралари туташ, ўзаро борди-келиди қилишади, бир-бирларини тўй-матракаларга таклиф этишади, тажрибаларини баҳам қуришади. Бундай алоқалар бундан буён янгича мазмун касб этиб, ривожланиши турган гап. Қўшнилари эса бундай ҳамкорликдан баббаравар манфаатдор.

Кенсалар, оқсоқол отахонлар фотиҳаси билан бошланган ҳар бир иш ҳосилга бўлади. Эрта тондан бу ерга районнинг энг кекса, мўътабар қариялари тўпланди. Олпоқ соҳилари кўксиларини қоплаган отахонлар дуога қўл очиди:

— Сафарингиз бехатар бўлсин, икки қўшни халқ ўртасидан меҳр-оқибат кўтарилишини, омад ҳаммага ёр бўлсин, қўшниларингизнинг умри, ризқи, қор хайрга Оллоҳ ўчмас қутбарока ато этсин, икки қўшни ишларини ривож тилаймиз, бошлаган хайрли ишларингиз, яхши ниятларингиз йўлдош бўлсин. Оқ йўл...

ХУШ ОМАДЕД, НИРИДИДА, ДЎСТОНИ АЗИЗИ

Мастчоҳ чегарасига қадам қўйишимиз билан дастлабки эшитган ана шу дил сўзлари бўлди. Минглаб мастчоҳликлар пешвоз чқишибди. Ясанган, тусанган, қўлларида анвойи гулдастлар, бамисоли бутун район аҳли шу ерга йирилган. Улар Ленинобод вилояти ижроқўми раиси, унинг муовинлари, фаоллар ҳамда район раҳбарлари, нуруний отахонлар, тафти қўшқоқлик илми, меҳрибон онахонлар, миллий кийимлари ўзларига хўб ярашган қирқ кизилару, баркамол жувонлар, опа-сингиллар, севинчдан қийираётган ширин-шакар болакайлар, ўқувчилар, хуллас, аҳоли барча қатламларнинг вакиллари...

Узоқ йиллар дийдорига ташна бўлган ога-инилар ваки би-бирларини қайноқ бағриларига қучиб, ўпишиб сурашишдан кўзларда севинч ёшлари қуриди. Аниқ пайтда ким меҳмон, ким меҳмонлигини билиб бўлмади. Ким тожигу, ким ўзбек... Дарҳақиқат, бошқа миллат вакиллариининг тафти қифасидан уларнинг қимлигини билиб ола бўладию, лекин ўзбек билан тожикни бир қарашда ажратиб мушкул, чегаралар ўхшаш, исм-шарифлар ўхшаш, одат ва таомиллар ўхшаш. Фақатгина сўзлашганда шева, ила тил тўғрисида ким қайси миллатдан эканлигини илға олиш мумкин. Ҳаттоки қарнай-сурнайлардаги оҳанг ва садолар қўй-қўнлар, шўх рақслар икки азаллик қардош халқнинг ягона мулкидек бир хил.

Илк дийдор қўришиш онлари қўшниларида тараннум этилди, шўх тожик рақс қуйлари санъаткоримиз Нуриддин Ҳамроқулловнинг дилни қитқилловчи ялғалари билан уланиб кетди. Бундай ўзига хос бекиёс манзарани олиндан қутилган қандайдир расмий режа билан яратиб бўлмас. Чегаралош катта йўлда юз бераётган бу самимий тантанга икки қардош халқ вакиллариининг табиий тарздаги шодлиқаси эди. Меҳмоннинг нафийати меҳмоннинг очқ чеграсию, самимиятга боғлиқ. Қутиб олишининг чин юракданлиги, бағри кенг тожикларнинг меҳмоннавозлиги, тошкентликларга ағло қайфият бахшида эди. Меҳмонлар район маркази — исми жисмига монанд Бўстонга кириб боришар экан, уларнинг пойи қадамларига атаб ранг-баранг гуллардан поёндоз тўшалди. Қўшнинг икки четидо саф торган бўстонликлар қўлида ҳам гул, кенсалар, гулдакларнинг қўлида ҳам гул, хусни атласдек товланиб турган қизларнинг қўлида ҳам гул. Бугун навабдор Фасли тўғрисида ажибий чирой оҳанг Бўстоннинг яшил боғ-роғларида ҳам гул, анвойи мева дарахтлари ҳам чаман-чаман гуллардан либос кийган. Хуллас, ҳаммаёғ гул билан бурнади. Меҳмонларнинг қўчоқлари гул лолалар билан тўлди...

Меҳмондўст мастчоҳликлар ўз ишлари, турмушлари, район меҳнат аҳлининг бугунги ҳаёти, эртани режалари ҳақида тўққиллашиб сўзлаб бердилар. Тошкент вилояти ҳаётига доир маълумотларни, янгиликларни жон қулони билан тингладилар.

Икки қўли кўксига чуқур самимият билан меҳмоннавозлик қўрсатган мастчоҳликлар шу паллада фақат бир нарсадан қўнғиллари тўлмаётганлигини очқ айтишди: фурсатнинг қисқалиги, меҳмонларни шу қадар тез жўнашларидан афсусланганликлари тусунида ихозори дил этишди. Наҳора, олинда катта ишлар, кўпгина учрашувлар, яна дийдор қўришишлар. Лекин шу қисқа вақт мобайнида узоқ йилларга, ҳатто умрларга таъинлиқ қалб сўзлари айтилди, бу учрашув бундан буён доний давом этадиган алоқаларнинг ўзига хос тарихий дебосчаси эканлиги ҳар икки томонга тасалли беради. Мастчоҳликларнинг меҳр булоғидан баҳраманд бўлгач Хўжанд сари йўл олдик...

(Давоми 2- ва 3-бетларда).

ДЕЛЕГАЦИЯ ТУРКИЯГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. ИҶДОШЕВ бошчилигидаги делегация Туркия Республикасининг Президенти Тургут Узоғнинг дафн маросимида қатнашиш учун кеча Тошкентдан Анқарага жўнаб кетди. Делегация таркибида Олий Кенгаш комитетларининг раислари академик П. Ҳабибуллаев, Ўзбекистон халқ шоири Э. Воҳидов ва ташиқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Ф. Тешабоев бор.

ЎЗБЕКНИНГ ХАЖУРАТИ

Делегацияни кузатиб қолганлар орасида Туркиянинг Ўзбекистондаги Факултетида ва мухтор элчиси Вулқон Чўтур бор эди.

Уларга ҳужжат тайёрлаш билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қўйиладиган маъруза мурожаат этиш мумкин:

700003, Тошкент шаҳри, Туроб Тўла кўчаси, 1-уй. Адабиёт, саяжат ва меъморчилик соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотлари қўмитасидан

Маълумот учун телефонлар: 45-72-46, 45-75-25.

АЗ ҚАДИМ ҲУЗБЕТУ ТОЖИК ЭТ БИЛАН ТИРНОҚ ЭРУР,



(Давомий Боши 1-бетда)

Баҳорнинг кўрки-тароватидан тенги йўқ чирой касб этган она табият бу кўшни вилоят шаҳар ва қишлоқларига ҳам фусункор гўзаллик бахш этибди. Йуллардаги қадимий шарқона қишлоқлар, кенг қир-адирлар, яшил либос кийган боғ-роғлар, анвоий мевазорлару, бир-биридан сўлим гўшалар, оппоқ либос кийиб, ҳосилини кўз-кўз қилиб турган ўрикзор ва шафтолизорлар, кўзда баракали хирмон вада қилгандек лорсиллаб ётган бўлиқ даладар... Энг муҳими — қўл силки-тиб кулиб боқиб турган меҳмондўст одамлар, ўз оғанилари таширидан мамнун бўлган тожик дўстларимизни ҳар қадамда кўрганмиш сари баҳри дилимиз очилиб боради... Манзила яқинлашган сари ҳис-ҳаяжонлар ҳам тугён кўтарарди.

Мастҳоддан Хўжанд сари юрарканмиш, йирик саноат шаҳри, доғруги доғон ошган Қайроққум шаҳрига кириб келамиз. У дўстлик, қардошлик ва ўзаро ҳамкорликнинг яна бир ёрқин тинимли, қардошлиқнинг жонли ҳайкаликдек мағрур қад ростлаб турибди. У ҳали тарихан жуда ёш, бунёд этилганига атиги 30 йил бўлган, холос. Ленин ана шу қисқа вақт ичида Қайроққум йирик саноат марказига айланди. 40 мингдан ортиқ аҳолиси бўлган бу шаҳарни катта-кичи саноат корхоналарининг ўзига хос музейи дейиш мумкин. 42 гектар майдонга 30 га яқин саноат корхонаси joyлашган. Янги-янги замонавий посылжалар, мавзелар ва ишчилар шаҳарчалари бунёд этилган.

Қайроққум денгизи ҳақида эшитганмишми? Бу улкан сув омбори чинакам оби-ҳаёт манбаидир. 3 миллиард 800 миллион куб метр сувдан иборат бу сўйиш денгиз инсон куч-қудратига бўйсунган. Унинг изми одамлар қўлида. Қайроққумда ўша томонга оқиб, айдоқ сарҳоларга жон бағишлайди. Йилгил турадиган сувнинг 80 фоизга яқини қардош ўзбек вилоятлари, пахтазорлари, турли хил экинзорларини ва боғ-роғларини, ташна ерларини сугоради. Дўст тожик халқининг қардошлик саломини кўшни Ўзбекистоннинг турли шаҳар ва қишлоқларига, бепеён даладларига сокин мавжлари билан етказиб туради...

Биз бу шаҳарни дўстлик ва қардошлиқнинг жонли ҳайкали дедик. Дарҳақиқат, шундай. Бу ерда 60 га яқин миллат ва элат вакиллари яшайди, ёна-ён меҳнат қилишади. Аҳолининг 53 фоизини тожиклар ташкил этса, 20 фоизини ўзбеклар ва қолган қисми турли миллат вакиллари билан иборат.

Мана, биз шаҳардаги машҳур гилам комбинатидан ишлайтган. Бу гилам комбинатидан ишлайтган 9,5 миң ишчининг меҳнат маҳсули Қайроққумнинг ана шу маҳсулотларининг барча ҳамдўстлик, хуёсуни. Марказий Осиё давлатлари фуқароларининг хонадонларига ҳам кўриш мумкин. Комбинат гиламларининг 20 фоиздан кўпроги, жумладан, Ўзбекистоннинг савдо тармоқларига ҳам юбориб турлади. Комбинат ўз ишчи-хизматчиларининг икътимоий ҳимоясининг барча воситаларидан фойдаланмоқда. Арзон нархда ишчи ошқоналари, тиббиёт муассасалари, профилакторий ҳамда меҳмонхона, маданият муассасалари, мактаб ва боғчалар ишчилар хизматида. Ишчилар маошининг энг кам миқдори 6 миң сўм, ўртача иш ҳақи эса 11 миң сўмни ташкил этади. 1992 йил кўрсаткичлари якунига кўра ишчилар 16 миң сўмдан маош олишибди. Кучли ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган

комбинат ҳозир 9,5 миллион квадрат метр гилам, поёндоз ва полос ишлаб чиқармоқда.

Қайроққум «Коллихо» акционерлик жамиятининг президенти Яҳёхон Азимовнинг айтишича, агар ҳам ашё етарли бўлса, комбинат йилга 13,5 миллион квадрат метр маҳсулотни бемалол ишлаб чиқариши мумкин экан.

Комбинат меҳнат аҳли билан ун-тилмас учрашув ва эркин савол-жавобдан иборат жонли суҳбатлар қизғин давом этди. Икки қардош халқини улуғловчи юрак сўзлари икки вилоят саноат корхоналари ишчиларининг келажикда қиладиган амалий ҳамкорлигини ифодаловчи мадҳия бўлиб янгради...

— Биз икки халқнинг мана шундай самимий муносабатлари, бир-биринга бўлган ишончи ва дўстлигиндан тўқинланмоқдамиз, — дейишди Тошкент вилояти вакиллари. Бу икки халқнинг биродарлашуви қанчалик катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб турибди. Халқимиз меҳр кўза, дейдилар. Келинлар, бир-биримиз билан бўладиган алоқаларни янада кенгайтирайлик. Биз бугун комбинатингиздаги ишлар билан танишгач, бу борада қилинадиган режаларни ҳам белгилаб олдик. Чирчиқ, Олмалик шаҳарларида сизлар билан қўшма корхоналар, ташкил этамиз. Умуман, бизни ниятларимизнинг ҳолислиги, биродарлик, қардошлик алоқаларимизда янги мазмун бахш этиш йўлидаги қаракатлар ниҳоятда илҳомлангирмоқда. Ҳамкорликнинг бу янги қирралари нисбатан томонга ҳам катта манфаатлар беради, деб ўйлаймиз.

Хўжандий ўзининг жаҳон адабиёти хазинасидан муносиб ўрин олган умирибқойил газалларини сенинг мавжигдан илҳомланиб битмаганимики?! Ҳа, не-не аждодлар, авлодлар, не-не азиу авлиёлар, буюк мутафаккир, забардаст алломалар, шоиру ёзувчилар, ҳофизу бастакорлар, беқисс ижодкорлар, ажойиб иқтидорли зоту-шарифларни етиштирган кўҳна Хўжанддан шоймай оқайтган азим дарё буларнинг барига жонли аҳид ваҳ. Икки қардош халқини бир-бири билан боғловчи рамзий халқ...

Ана шу кўҳна Хўжанд бугун яшай-яшай, зебланиб кетибди. Қиёфаси, ҳусни-жамоли, фазиз-шуқҳи ўзгача. Хўжанд — неча-неча тарихнинг жонли, муқассам тинимли. Унинг ёши икки ярим миң йилдан ошиб кетди. Унинг ўз боғ тарихи, узоқ ўтмиши, чеккан жабру-жафолари, бетакрор турмуш тарзи, қадимий урф-одатлари, расм-русумлари, ажойиб миллий анъаналари ва табаррук маънавий-маданий қадриятлари борким, уларнинг ҳар бирини батафсил тасвирламоқ учун алоҳида-алоҳида дoston ва қиссалар битмоқ мумкин. Энг муҳими — Хўжанд азалдан дўстлик шаҳри. У ўзбеклар учун ҳам она юрт, киндик қонлари тўқилган ватан. Бунда бизнинг неча миңглаб юртдошларимиз истиқомат қилишади. Улар икки халқ фарзандларидир.

Қадимий тарихий обидалар, маданият ёдгорликлари замонавий инжинири бнолар, бир-бирдан кўркам қорхоналар, истироҳат оромгоҳлари, миллий растану улкан шарқона бозорлар, саноат корхоналари, фан ва

истеъмол молларнинг сифати жуда юқоридир. Кўрғазмага қўйилган ана шу маҳсулотларнинг намуналарини кўздан кечирдик. Уларни таърифлашга сўз ожизлики қилади.

Тошкент вилояти вакиллари жамоани бундай натижаларга қандай эришганликлари билан қизиқдилар. Корхона ҳақидаги устуқналар, иш усуллари, ҳамда ишчи-хизматчиларга яратилаётган шарт-шароитлар билан танишдилар. Дарвоқе, ўрни келганда бир нарсани айтиб ўтиш керак. Ўтган йили бу фабриканинг 34 миң дондан ортиқ рўмол ва бошқа маҳсулотлари Ўзбекистонга юборилган. Ўз ўрнида ушбу корхона Тошкент вилояти ва бошқа жойлардан ҳам ашё олмақда. Хўлас, алоқалар йилдан-йилга кенгайиб бормоқда.

Тошкент вилояти вакиллари ва халқ депутатлари Ленинобод вилояти кенгаши ижроия қўмитаси раҳбарлари раиси фабрика ишчи-хизматчиларига икки томонлама ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш тўғрисида тузилган шартномаларда жуда кенг қамровли масалалар белгилаб олинганлигини айтдилар. Дарҳақиқат, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида икки вилоятнинг бир-бирига берадиган кўмағи жуда катта аҳамиятга эгадир. Бу борадаги қаракатларни мувофиқлаштириш фақат фойда келтиришини барча таъкидлади. Бу ерда меҳнат қилаётган кўл сонин ишчиларнинг Тошкент ва Ленинобод вилоятлари ўртасидаги катта йўлнинг чиройи ҳамisha нурафшон бўлишини, бу йўл фақат эзгулик



Икки вилоят раҳбарлари навбатдаги учрашувларининг биринчи.

ДИЛЛАР ДИЛЛАРГА ПАЙВАНД

Ҳа, ҳаммамизнинг олдимишда ўтиш даврининг мураккабликлари кўндалам бўлиб турган айни пайтда қадимдан қардош, елкадош, кўмадош бўлиб келган икки элнинг бир-бирига биродарлик қўлини чўзиши қийин-қийинларини тезроқ енгиб ўтишимизда, тезроқ истиқболга, рўшониликка чиқиб оlishимизда катта мадад бўлади. Бунини шу нуни гилам комбинатидан бўлган ҳар бир киши дилдан ҳис этди.

Мен бугун бир нарсани ниҳат қийнатма — деди халқ депутатлари Ленинобод вилояти ижроия қўмитасининг раиси А. Ҳамидов. — Дўстларимиз, қардошларимизнинг бу ташири илҳомини унингизга тинчлик, хотиржамлик олиб келисин. Умумий ишларимизга қўшбарак ва ривож берсин.

Чин кўнгилдан, қалбнинг тўр-тўридан чиққан бу сўзлар, ниятга қўшимча қилиш қийин. Айниқса, ана шу сўзлар янграган залда кўп миллатли комбинат ишчи-хизматчилари бир овоздан туриб қарсақ чагланганлари дебихтиёр ҳаяжонланиб кетдик. Ҳақиқатан ҳам бу таширф давомида Ленинобод ва Тошкент вилоятлари, умуман икки республика, икки халқ ўртасидаги дўстлик тарихининг янги саҳифалари очилган эди...

ХЎЖАНДА МИСЛИ КЎРИЛМАГАН БИР БАЙРАМ

Бугунги тантанана бу гўзал шаҳарнинг қоқ белига олтин камардек боғланган кўҳна Сирдарё ҳам гувоҳ. У асрлар дардини гўё ўзининг сокин оқини билан оҳиста ҳуюқ қиларди. Икки вилоятга оби-ҳаёт бахш этиш оқайтган бу қадимий дарё тарихи Хўжанд тарихидек кўҳна ва буюк. Не-не аждодлар ўтди, икки халқ дўстлигини авлодлар авлодларга етказди. Устозни аввал, буюк мавлоно Жомий ва унинг содқ шогирди ҳазрат Навойнинг беназир ҳамкорлигига гувоҳ бўлган кўҳна Сирдарё!

Хўжанднинг ҳокими, унинг табаррук заминини босқинчилардан мардона ҳимоя қилган машҳур саркарда Темур Маллик сенинг сўлим соҳиллариндаги тин олмаганим! Бундан қариниб саккиз аср муқаддам ўтган тожик халқининг улуг шоири Камол

маданият масканлари, тиббиёт муассасалари, ўзига хос миллий услубда қад кўтарган савдо-сотқ ва маънавий маданият бнолари билан уйғунлашиб, шаҳарнинг ҳуснига хусн қўшиб туради...

Тошкент вилояти меҳнатқашлари вакиллари билан таширфидан салнам 2 миллионлик Ленинобод вилояти, унинг марказида яшовчи барча аҳоли хабардор экан десак, муболага бўлмас. Меҳмонларни истиқболга буюн Хўжанд шаҳри пешвоз чиқди. Миңглаб кишиларнинг қўлида навабор гуллари, чечаклар, очиб чехралар, қарнай-сурнай садолари, ана ўша таборик сўзлари, дил титоблари: «Хуш омадд, нури дийда, дўстони аозиз», «Хуш келибсиз, азиз дўстлар!»...

Тақдир устига тақдир, учрашувдан учрашувларга. Шаҳар раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг бошлиқлари, Хўжанд халқи тошкентлик қардошлари билан дийдор қўришмоқда интизор эканликларининг чин дилдан инҳор этдилар. Кўнглилар кўнглиллари, тиллар тилларга пайванд бўлиб кетди. Тожик дўстларимизга тат бermoқ зарур. Деярли уларнинг кўпчилиги ўзбек тилида эркин сўзлашади. Таржимона ҳолат йўқ. Биз ўзбекларнинг кўпчилигимиз эса ана шу хилсизга эга эмасмиш. Шояд бундан бунён тожик тилини ўрганиш вилоятимишда оммавий тус олас...

Шунинг алоҳида таъкидлаш керакики, Тошкент вилояти делегацияси аъзолари қаерда тўхтамасинлар, уларнинг меҳнатқашлар очиб чехра, кўтаринки руҳ билан кўтиб олардилар. Уларни кўриб ҳаёлимизни бир нарсатарк этмайдди. Бу — икки вилоят, халқ бир-бирига доимий муштовқ ҳамдард, ҳамнафаслиқдир. Уларни бу йўлдан ҳеч нима ҳеч қачон ажратолмайди. Бу вилоятимиз делегациясининг бир гуруҳ аъзолари Хўжанддаги «Зарбоб» рўмол фабрикасига таширф буюрганларидан бўлган учрашувлар ана бир бор исботланди. Худди қардошлини, оғанисини кўргандек қувонган кишиларга қараб кўнглингиз тоғдек кўтарилди.

Деярли 95 фоиз ишчи-хизматчиларин хотин-қизлар ташкил этган бу корхона Ленинобод вилоятдаги илгор жамоалардан бири. Корхонада ишчи-хизматчиларнинг ўртача маоши 11 миң сўмни ташкил этмоқда. Уларнинг маҳсулотига талаб ҳам йилдан-йилга ошиб бормоқда. Чунки бу ерда тўқилаётган рўмоллар, бошқа кенг

яхшилиққа хизмат қилишини, бу йўлдан фақат икки халққа манфаат берувчи юклар ташилишини тилаб фотихага кўл очганларидан ана бир бор Ленинобод дийрдага ўтаётган бу учрашувларнинг нечоғли катта аҳамиятга эга эканлигини ҳис қилдик.

Дарҳақиқат, илдин ниҳоятда чуқур ва бақувват бўлган бу ҳамкорликнинг янада бойитишини икки вилоят халқи сийқидилган истамоқда. Мақсадлар муштарак, ниятлар холос. Бу эса келгусида янада катта ютуқлар келтираркан.

Хўжанддаги «Абрешиш» акционерлик жамияти (ипакчилик комбинати) шаҳардаги энг йирик корхоналардан бири. Бу ерда 11,5 миңгадан ортиқ киши меҳнат қилади. Ўтган йили корхонада 55562 миң квадрат метр ҳажмида маҳсулот ишлаб чиқарилиди. Энг харақтерлиси шунданки, бу жамоа узоқ-узоқ йиллардан бунён Ўзбекистондаги турдош корхоналар билан ўзаро ҳамкорликда харақат қилмоқда. Уларнинг Марғилон шаҳри, Фарғона вилоятларида ҳам ажойиб дўстлари, ҳамкасблари бор. Сунги йилларда Тошкент вилояти билан алоқалар кенгайиб бораётганидан барча мамнун. Дарвоқе, 1992 йилда бу комбинатда тайёрланган 4380 квадрат метр мато Ўзбекистонга жўнатилди.

— Сизларни кўриб, бошимиз омонга етди, — деди корхона ишчи-хизматчилари билан бўлган учрашувда сўз олган корхона муҳандиси Сайфулла Отабоев: — Чунки кўп йиллар мобайнида бир-биримиз билан чамбарчас боғланиб кетганимиз. Дўст, қардош бўлиб қолганимиз. Ипакчилик комбинатимизга Ўзбекистонликларнинг кўрсатилган ёрдамлари беқисс. Пилла-нашлик фабрикамизга Тошкент, Жиззах ва Фарғона водисини вилоятларидан пилла олиб келмоқдамиз. Биласми, ана шу пилла бизнинг кўп сонли жамоамизни иш билан таъминлашда муҳим омил бўлаётди. Бундан ташқари Тошкент вилояти корхоналаридан кимёвий тозалар, электр тармоқлари учун қисмлар ва бошқа кўлаб техника воситаларини олмақда омили — кўпчиликини бир ёқадан бош чиқармаймиш. Бугун жамоамиз бугун менга Ўзбекистоннинг қардош Тожик ердаги беқисс кўмағи учун миңаттарки билдирганимни сўрашди. Мен ишонаманки, бизнинг орамизга ниҳоф солмоқчи бўлганлар янгилашдилар. Бу икки вилоят, буюк халқларнинг дўстлиги ажралмасдир.

ИККИ ХАЛҚ МУҲРИ

Ленинобод вилояти марказидаги тантаналар кўннинг иккинчи ярмида Хўжанд районидagi Саидхўжа Ҳурунхўжаев номли жамоа кўжалигига кўчди. Бу машҳур кўжалик ва унинг марҳум раиси ҳақида икки оғиз сўз.

Саидхўжа Ҳурунхўжаев миришкор леҳтон, уста пахтакор, беқисс ташкилотчи раҳбар, бағри кенг, халқтарвар инсон, босган қадамдан гул унган бобгон, меҳнат аҳлига қаробон сифатида Тожикистон, Ўзбекистондагина эмас, балки жуда кўп мамлакатларда яхши танилган, донг чиқарган бир табаррук зоти шариф эди.

Раҳматли Саидхўжа ана даврида кўжалик гуллаб — яшнади, аъзолар тўқ, фаровон яшай бошладилар. Кўжалик иқтисодий жиҳатдан гоёт бой ва бадавлат улкан оиллага айланди. Марҳум раиснинг саъи-ҳаракатлари, бунёдкорлиги, ташаббуси билан кенг адирлар бағрида жаннатмакон мўъжизавий бир қишлоқ қад кўтарди. Раис халқ учун қуриш, яратишнинг бoш меймори эди. Бундай тўқ, бадавлат яшаш ва улкан қурилишларнинг бош омили — кўпчиликини бир ёқадан бош чиқартириб, уюшган меҳнатни ташкил қила билш, одамларни катта ишларга сафарбар қилишдек хилсизлар эди.

Бугунги улкан тантаналарнинг бу ерда белгилашиши бежиз эмас эди: марҳум раис бош бўлиб бунёд этилган қасри олий-муазам маданият саройи ўзининг кўрни, салобати, мейморлик санъатининг гўзал бири намунаси, йирик шаҳарлар, мамлақат пойтахтларидаги мақтал

ган қорхоналардан қолишмаслиги билан машҳурдир. У шундай бир хўшманзара баланд бир майдонда қад кўтаргани, унинг пойи, пештоқи тағда туриб, бутун қишлоқнинг, — ястаниб ётган кенг қир-адирларнинг, ноз-неъматлар кони бўлган гўзал боғ-роғларнинг, серҳосил даладларнинг, меҳнатқашлар истиқомат қиладиган шинам уй-жой, ҳовлиларнинг, теп-текис равон кўчалар ва хиёбонларнинг бетакрор гўзал манзараларини бир йўла томоша қилиш мумкин.

Бугун, 15 апрелнинг иккинчи ярмида мана шу улкан қаср сари келувчиларнинг кети узылмасди. Миңглаб кишиларнинг оқими катта байрамлардаги намоишчилар сафини эслатади. Сарой қанча катта бўлмасин, бугун шодлиёнда бевосита иштирок этишни истаганларнинг ҳаммасини ҳам сизгара олмай қилиб табиий эди. Шундай бўлса ҳам халқ ёғилиб келарди. Бу эса Тошкент вилояти вакилларига кўрсатилётган алоҳида ҳурмат ва эҳтиромнинг яна бир ёрқин белгиси эди. Тантанали йиғилиш бошланишидан олдин кенг халқ оммаси билан норасмий дўстона учрашувлар, суҳбатлар ўз-ўзидан бошланиб кетди. Қарнай-сурнайлар, куй ва қўшиқлар янраган сари келувчилар оқими тобора кўпаярди.

Шундайгина қаср ёнидаги мрамар тошлар билан қопланган кўркам киббон Саидхўжа Ҳурунхўжаевнинг мангу сокин қароргоҳига айланган. Унинг қора гранитдан урнатилган қабри ва қабр рўпарасига урнатилган ярим ҳайкали табаррук зиёратгоҳга айланган. Қўнсида икки марта Меҳнат қахрамони Олтин юлдузлари... Зиёратгоҳга келувчилар унинг ҳоқи пойида Қуръон тиловат қилиб, покиза руҳига бағишлайдилар. Ёдгорлик пойига гулдасталар қўядилар.

Тошкентликлар ҳам тожик дўстлар билан бирга ана шу муқаддас удумин чуқур ҳурмат билан бажо келтирдилар. Ҳозиргина хотираси эъзозланган бир табаррук инсон қўли билан бунёд этилган Олий Қасрга кириб борамиз. Сарой залига киришдаги катта фойега сават-сават гуллар қўйилган. Сабрелик билан қутилган — икки вилоят ўртасида тузилган шартнома ниҳозлаш оилари ҳам, мана, етиб келди. Икки вилоят меҳнатқашлари вакилларининг иштирокида ва йилгилларнинг гулдрос қарсақлари остида шартнома имзоланди.

(Давомий 3-бетда)



Бу муқаддас бино Хўжанд районидagi Саидхўжа Ҳурунхўжаев номли жамоа кўжалигининг «Арб» маданият саройидир. Ушбу сарой жуда кўп тарихий воқеаларнинг гувоҳидир. Тожикистон Республикаси Олий Кенгашининг факультетда ун олтинчи сессияси ҳам шу ерда ўтказилган. Ленинободликларнинг фириҳча, шундан кейинги иккинчи тарихий воқеа Тошкент ва Ленинобод вилоятлари ўртасидаги ҳамкорлик шартномасининг айни шу ерда имзоланиши бўлди.

ҚОН-ҚАРИНДОШЛИК ШИОРАШ ҚҮЛИДА БАЙРОҚ ЭРУР



ТОШКЕНТ вилояти вакиллари ҳамма ерда ана шундай эвр шодийна ва нон туз билан кутиб олиндилар.

(Давони. Бош 1, 2-белларда).
Уни Тошкент вилояти ҳокими С. Сайдалиев ва халқ депутатлари Ленинобод вилоят кенгаши ижроқўми раиси А. Хамидов ўроқлар низоладилар. Шундай қилиб тарихий ҳужжат кучга кирди: у Тошкент ва Ленинобод вилоятлари ўртасида иқтисодий, илмий-техникавий ва ижтимоий соҳаларда ўзаро ҳамкорлик қилиш битими эди. Ана шу шартнома билан барча соҳалар бўйича махсус ишлаб чиқилган ва икки томондан тегишли соҳаларнинг раҳбарлари низолаган 12 илова ҳам шу дақиқалардан эътиборан қонуний кучга кирди.

Табрик хитоблари, ҳар икки томоннинг хоҳиш-иродасини ақс эттирувчи сўзлар ҳаммаи ҳаяжонга солди. Шундан сўнг саройнинг мухташам зали лик тўлиб. Бу ерда шартнома низолаганига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Уни Ленинобод вилояти ижроқўми раиси А. Хамидов қўсқача кйриш сўзи билан очди. Унинг биринчи муовини Солихўжа Маҳмудов шартнома маҳияти ва у қарам олган масалалар мазмуни ҳақида ахборот берди.

Тантанали йиғилиш қатнашчилари С. Сайдалиев ва А. Хамидов ўроқларнинг сўзларини тулдурс қарсақлар билан кутиб олдилар. Залдан дўстликнинг улугъовчи хитоблар янграб турди.
— Сизлар ҳақиқий оғаларимизсиз. — деди А. Хамидов, соф ўзбекча сўзлаб. — ҳақиқий дўст оғир кулларда мадад қўлини чўзади, сизлар худди ана шундай дамларда бизга ёрдам келдингиз. Тошкент халқи ўзбеклар билан абадий дўстлар, ундан бир умрга миन्दорлар. Ана шу хайри ишларнинг бошида Ўзбекистон Президентни қадрли Ислома Ана Каримова турганлигини ахши биламиз. У зотнинг қадри Тошкентнинг халқи олдида шу қадар баландки, биз буни чўқур миन्दорчилик билан изҳор этаемиз. Барча республикалар ва бошқа давлатлар раҳбарлари орасида биринчи бўлиб Ислам Каримов Тошкентдаги биродарқўшлик урушини тўхтатиш, тинчлик ва осойишталикни барқарор этиш ва амалий ердан кўрсатиш масаласини қатъий қилиб қўйди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти диққат-эътиборини Тошкентга жалб қилди. Бу жұмуриятдаги ноҳус воқеалар муносабати билан бутун дунё олдида бонг урди, тинчликни ўрнатиш халқро минбелгаи долзарб вазифа эканлигини исбот қилди.

Тошкент халқи ҳақиқий қардошлик ва чинакам дўстлик билан йўллаган бундай олийжаноб сатъ-ҳаракат учун Ислам Абдуғаниевичдан бир умрга миन्दорлар.
Шундан сўнг Абдужалил Ҳамидов Ўзбекистонда И. А. Каримов таъабуби си билан Тошкентга ердан жамғармаси ташкил этилганлиги, биродарқўшлик урушидан азият чеканларга юборилган моддий ердан қўлама, умуман Ўзбекистоннинг бегараз амалий мададлари ҳақида миन्दорчилик билан сўзлади. Тошкент вилояти билан бугун низолаган шартнома икки буюк халқ ўртасидаги дўстликни янада муштақамлаш ишга хизмат қилажани, Ленинобод вилояти меҳнатқашлари бундай ҳамкорликни қўсқача қўлаб-қуватлагъанликлрини эвр ишонч билан таъкидлади.

Шундан сўнг Ленинобод вилояти Пролетар районидан А. Саматов номи жижама хўжалиги раиси, Тошкент вилояти республикасидаги энг хўрамти ва мўътабар кесалардан бири, икки марта Меҳнат Ҳайратомини Абдуғофур ота Саматов, Олмалик қон-металлургия комбинати директори В. Н. Сигейди, Ленинобод вилоятнинг хўрамти оқ соқолларидан бири, меҳнат фанрийси, жуда кўп ёшларнинг, мутахассисларнинг устози ва мураббийси Р. Ҳожиев ўроқлар сўзга чиқдилар.

— Йашаш ва ҳалол меҳнат қилишдек тенгги йўқ иёъматни аллоҳ насиб этган экан, — деди Абдуғофур ота Саматов, — анинг қадрига етмоқ, ҳаётини ғанимат билмоқ керак, умр кичига бир марта берилган, бас, уни беҳуда, бемақсад ўтказмоқ гуноҳи азим. Тошкентдаги беҳуда қирғини меҳнатқаш халқ оммаси лаянатлашмоқда, урушга гиқ-ғижлаётган бир ҳовуч ивгогарлар, фисқу-асосчиларнинг қабиҳ қилишлари халқ қару-ғазабига учрамқда. Республика-миз учун гоёр бир оғир дамларда биричи бўлиб хўрамти Ислам Каримовнинг овози эшитилди. У мардона хитоб қилиб: «Тошкент халқининг тинчлигини, осойишталигини путур етказман», деди. Бундан бугун жаҳон эшитди. Бунга эмас, кўп соҳаларда гамхўрлик қилиб амалий ердан қўлини чўзди. Халқимиз номидан Ислам Каримовга минг раҳмат демоқчиман.

Азадий дўстимиз, динимиз, урф-одатларимиз, миллий қадриятларимиз,

турмуш тарини бир-бирга ўхшанган тошкент биродарликимиз билан бу тарихий кўнға ўлкада дийдор кўришиб турганимиздан гоът шодимиз. — деди йиғилиш тошкентликлар. Биз икки қўшни вилоят ўртасидаги дўстлик ришталарини янада маҳкамроқ улаш, ўзаро ҳамкорликдаги кемтик жойларни бутлаш учун келдик.

Шундан сўнг Тошкент вилояти вакиллари Республикаимизда Президент И. А. Каримов бошчилигида муштақамлаш йўлида амалга оширилган улуғвор ишлар, жумладан Тошкент вилояти ҳаётидаги ҳозирги энг муҳим ўзгаришлар, кўп тармоқли халқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида қўрилган тадбирлар ҳақида сўзладилар. Йиғилиш қатнашчилари бугун низолаган шартномаининг аҳамиятини юқори баҳолаб бу имзолар энг эзгу ниётларни ифодаловчи икки қардош халқ хоҳиш — иродасининг ўчмас мухрлари деб атади. Топонлар бир-бирига эсдалик совгалари ҳақида эшитди. Ленинободликлар номидан тоширилган, Президентимиз Ислам Каримовнинг расми тушириб қўйилган гиламини тошкентликлар энг ноёб, қадрли совға сифатида қабул қилиб оlishди. Тантанали йиғилиш Ўзбекистон ва Тошкент вилояти республикаларининг атоқли санъаткорлари, Камол Ҳўжаидий номи театр артистлари, «Дурдона» ансамбли ҳонанда, созанда ва раққосалари иштирокидаги катта концертга улаиб кетди.

Иттифоқ халқ артисти, Тошкент вилояти буюк артисти, Тошкент вилояти буюк артисти, Тошкент вилояти буюк артисти, Тошкент вилояти буюк артисти.

Исфаранинг шйрин-пакақ қантак

ЯНА ДИЙДОР КҮРИШГУНЧА, АЗИЗ ДҮСТЛАРИ

Пролетар районидан собиқ Ленин номи, ҳозир эса Абдуғофур Саматов номи билан аталаётган жамоа хўжалиги Тошкентдан эмас, Ўзбекистонда, ҳатто бошқа республикаларда ҳам жуда машҳур. Абдуғофур ота икки халқнинг содиқ фарзанди.

Ёшлари 80 дан ошган бу табарруқ отахон йиғилардек навиқрон, тегиж ва бардам. Ота зуваласи пишиқ одамлар тонфасидан. 1945 йилдан буюн шу хўжаликни раҳбарлик қилиб келмоқда. Уни алоҳида қобилиятли, ноёб хислатларга эга бўлган тенги йўқ, ташкилотчи сифатида гоът қадрлашди. Шу давр ичида ота бошлиқ аҳил жамоа шундай қатъий ишларни амалга оширганки, ҳайратдан ёқа ушлайсиз. Аввало ота энг муҳим масалага: ишбилармон, билимдон, ташкилотчи етук надрлар, малакали мутахассислар воғга етказишга алоҳида эътибор берди. Ўзи эса уларнинг амалий мададига таяниб, ҳар қандай ялғор тажрибани далиллик билан жорий этди. Йиллар ўтган сари хўжалик туркиб ривожлана борди. Ҳозир отанинг ивбосвати ташкилотчи туфайли шу худуддаги 40 мингга яқин аҳоли бирлашиб, хўжаликни янада юксалтириш йўлида меҳнат қилмоқда.

Қаранг, шундай оғир келган 1992 йилда ҳам хўжалик пахтачилик, чорвачилик ва зироатчилик иши бошқа соҳаларида эришган кўрсаткичлар жуда салмоқли: салкам 20 минг тонна пахта, 9 минг тоннага яқин ғалла, 3 минг тонна яқин сабзавот еттиштирилди. Ҳар бир соғини сигирдан эса 4662 килограмдан сут соғиб олинибди.

Яхши ният ярим мол, дейди халқимиз. Хўжалик жамоаси бу йилдан бундан улканроқ режаларни белгилаб олишиди. 30 минг тоннага яқин пахта, 8 минг тоннадан ортқ ғалла, 3 минг тонна сабзавот, 380 тонна мева-узум ва бошқа маҳсулотлар еттиштиришмоқчи.

Бу хўжалиқдан ўрганса арзийдаган энг қимматли тажрибалардан бири шунки, хўжалик санаот асосида тез суръат билан ривожлантирилмоқда. Еттиштирилган жом ашёнинг қатор турлари шу еринг ўзида қайта ишланади. Икки чинкичи санаот корхоналари ишлаб турпти. Пахта заводи, пахта қабул қилиш пунктлари, тегирмон, ёғ сехи, гиқ-смаҳашан ва тикувчилик цехлари ишлаб турпти. Ана шу кичик корхоналарда 600 дан ортқ киши меҳнат қилмоқда. Ремонт устaxonаси ва қурилиш ташкилоти борлигини ҳам эслабди ўтмоқчи. Янаки капитал маблағлар 86 миллион сўмини ташкил этади.

Хўжаликда меҳнат ҳақлига барча маданий-маиший шароитлар яратилган. Хондонлар табиий ва сулолтирилган газ ҳамда тоза ичимлик суви билан таъминланган.

Тўқ, бадавлат яшашнинг манбаи, налти чинакам меҳнатда. Бу оддий ҳақиқат аёзохта мўлҳож эмас...
Тошкентликлар ташрифни биз юқориде ҳўсия қилган ана шу дондор хўжаликда тантанали дўстлик кечаси билан яқунлади. Меҳмонларни кутиб олиш масоини катта шодийнага айланб кетди. Мингглаб кишилар қўлларидан гулусталар билан пeshов чиқарибди. Дўстликни улугъовчи шюрларга кўзимиз тушади: «Хўш келбасиз, азиз дўстлар!» «Тошкентлик азиз меҳмонларга алаңлаш салом!» Бу кутиб маросимини, умумхалқ сайлими, акротиб бўлмасди. Очнқ чехралар, илнқ сўзлар, дўстликни улугъовчи хитоблар қарнай-сурнай наволари, шўх уйин-кулгилар, оммавий рақслар билан уйғуналиш кетди.

Халқ депутатлари Ленинобод вилояти ижроия қўмитаси раиси А. Хамидов бошлиқ масуъл раҳбарлар, вилоят фаоллари, вилоятнинг барча шаҳар ва районларидан келган вакиллар, хўжалик меҳнатқашлари Тошкент вилояти делегацияси аъзолари ва барча меҳмонлар билан давра сўхобати қурдилар.

— Аҳли мўмин яхши дўста ҳаминша мушток, — деди Абдуғофур ота, — қаредда ҳамжиҳатлик бўлса Уша ерда иш орда силжидий, тинчлик, осойишталик бўлади. Мана, бугун биродарларимизнинг кутлугъ қадими юртимизга ўзгача фаёз, барак, нур олиб келди. Тошкентлик дўстларимиз билан бундан бунентлик буюк ҳамкорлигимизнинг хайрли бошланиши бу! Биз ҳаминша яқдил, бир жону, бир танимиз.

Абдуғофур отанинг бу юрак сўзлари

ДИЛЛАР ДИЛЛАРГА ПАЙВАНД


Уриқлари, бошқа анвойи мевалари ва зилол сувларидан тоганмизсиз? Унинг фусункор табийи манзаралари, тоғ ёнбағирлари ва адирлари орасига жойлашган гўзал қишлоқларида бўлганмизсиз? Бир неча рангда товланиб асрлар оша мудраб ётган тоғларидан бекатроқлиқни ҳис қилганмизсиз? Яхшиси бу мўзағига гўзал воҳани ўз кўзингиз билан кўргангизсиз маънўл.

Исфара шаҳри ва районини қўшиб ҳисоблаганда 180 мингга яқин аҳолиси бор. Қишлоқ хўжалиги, айниқса, сабзавотчилик, бордорчилик, мевачилик ва чорвачиликни ривожлантиришнинг истиқболлари катта экан. Исфара ўзининг ўрикзорлари, шафтоли, олма-ноқзорлари билан қадимдан машҳур. Шаҳардаги кичик маҳаллий энгил санаот корхоналари эса ўзига хослиги билан ажралаб туради.

Унинг ҳаёти, удумлари, халқ турмуши билан танишар эканмиз, ибрат олса арзийдан анъаналарнинг барқарорлиги диққатимизни жалб қилди: шаҳар ўта тоза ва кўркам, саранком-сарншта. Миллий безалар билан қадимий шарқона услубда қурилган асосан ўймақор ёғочлардан ишланган васажуфтлик мухташам чойхоналар меъморчилиқнинг кўрғазмобоп намунаси сифатида қад кўтариб турилишиди. Тозалани, саранком-сарншталиқни сақлаш аҳоли учун қатъий қонда экан. Шаҳсий уй-жойлар, томорқа-ю ҳовиллар, турли корхона, ташкилот ва муассасалар, кўча ва хиёбонлар, бор-роғлар ва мевазорларни тоза-лаб туртиш, чиқиндиларни уйиб қўймаслиқка ижроқўм бошлиқ бутун аҳоли сафарбар экан. Шунинг учун ҳам ҳаммаёқ топ-тоза, беғубор ва мусаффо.

Исфаралиқларга хос яна бир хислатдан ибрат олса арзийди: ҳар бир қарчир ер ҳисобда, унинг умри беҳудда ўтмас экан, ҳатто кичик-кичик «лаҳтак» ер ҳам парварили қилиниб бирон нима экнб қўйилибди, мевали даракхлар «белгича» оқланиб иҳоталанган. Хуллас, ер зар кадрили билан заргарлар қўлида экан.

Тоғлар орасида жойлашган, «Одамлар орасида танқо» (Нодирабеғим) бадий фильми суратга олинган мафтункор қишлоқ ёқалба юқорига кетсангиз энг баянд иқтдада қад кўтарган улкан ва кўркам замонавий биноларга кўзингиз тушади. Йиқилгангиз сари катта боғ қўйнаги кирасиз. У Исфаранинг «Зумрад» — турли шифобахш маъдани сувлар манбаи тоғилдан тепаликда қурилган машҳур санаторий. Унинг сувлари Соғиним, «Мацеста» ва Чинёнинг «Серводорло»-дан қорилмайди. 560 ўринли бу шифо дароҳи юрак-кон томилари, асаб, бўғин ва оёқ, ошқозон-ичак, жигар, буйрак ва



ТОШКЕНТЛИКЛАРГА САММИЙ МЕҲМОДҲУСТИ КҮРСАТИБ, ЎЗ ХЎЖАЛИГИДА ҚАБУЛ ҚИЛГАН БУ ОТАХОН ПРОЛЕТАР РАЙОНИДАГИ УШ МАШҲУР ЖАМОАНИНГ ЯНБОШИСИНИ АБДУҒОФУР САМАТОВ БУЛАДИЛАР.
ДАВРОН АХМАД оғин сураглар.

ҳақида батафсил сўзлаб берди. Бу ердаги учрашув ҳам ўз-ўзидан тантанали кеча ва куй-қўшиқларга уланди.

Ҳа, ҳар бир надамида, ҳар бир хўжалик ёни корхонада ўзаро ҳамкорлик, дўстликнинг ўчмас кизари...

Бизга ўта меҳмоннавозлик кўрсатилган бека — халқ депутатлари Исфара шаҳар ижроия қўмитаси раиси Гулафоз Сарвиндинова бизга гап орасида бугун эрталаб рўй берган воқеани айтиди: унинг уйига эрта тонгда Исфарада яшовчи ўзбек аёллари — она-сингиллар ва онахоналардан нобрат вакиллар келишибди. Улар Тошкентдан меҳмонлар келганини эшитиб уйларига тақлиф қилмоқчи бўлишибди. Гулафозхоним эса уларга ташақкур айтиб, тақлиф ва саломларини бизга етказишга ваъда берди. Бу хабар ҳаммамизни ҳаяжонга солди. Биз шаҳар халқининг оддий вакиллари бўлган бу меҳмондуст она-сингиллар ва онахоналарнинг хонадонларида, қалб тўрларида ўзимизни фойибона меҳмон бўлганден ҳис этдик, бутун исфаралиқларнинг қайноқ меҳрини дилга жо қилиб янги учрашувларга жўнаб кетдик...

Н. НАСИМОВ,
Ф. МУҲИДИНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус муҳбирлари.

Маданият хабарлари

МУСИҚАЧИЛАРИМИЗ ХАЛҚАРО ТАЙЛОВ ҒОЛИБИ

ЙИҚИНДА Олмаота шаҳрида Маданият ва маданият бўлими томонидан...



ПОИТАХТ

ТЕАТРЛАРИДА



ТОШКЕНТ

ТОШКЕНТ ТУДЖИМАЧ

ТОШКЕНТ Туджимачлар маданият саройининг ўзбек халқ театри жамоаси эрон ёзувчиси Мушфиқ Козимийнинг «Куринчи Тухро» асарини саҳналаштириб, томошабинлар хужмига ҳавола этди.

ИҶДОШ Охунбобоев номидаги Республика ёш томошабинлар театри ижодий жамоаси яқинда Абдулхамид Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романи асосида янги спектаклни саҳналаштирди.

СУРАТДА: ушбу драмдан кўриниш: Курбонбийи ролида С. Илдошев, Раззоқ ролида эса Е. Қўтлєв.

РАТДА: (чапдан ўнгга) Молдин ролида Меҳробон Бекмуродов ва Маликхожонийи ролида Гулнора Хусанова.

Э. МУҲАМЕДОВ олган суратлар.

Биринчи ўзбек тупроқшуноси номида

ТОШКЕНТ деҳқончилик дорилфунуни ўз илмий мактабини яратиб, бутун республикамизга яхши танилган устоз ўқитувчи олимлар билан ҳақли равишда фахрланади.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан аربоби шу илм-фан даргоҳидаги кўп йиллик педагогик ва илмий фаолияти мобайнида эда қорали тайлагани ҳайли ишларнинг ташаббускори бўлди.

Ақбар АЛИЕВ.

ДАСТЛАБКИ КИЛОМЕТРЛАР

РАЙОНДАГИ барча қишлоқлар 1994 йил декабрга қадар газлаштириб бўлиниши кўзда тутилган. Шундан бу йил 72 километрлик асосий трасса ва 88 километрлик қишлоқлар оралаб турган тўғрилани тармоқлар тўғрилани режалаштирилган.

Кўча колоннанинг Али-Келдибоев бошчилигида қишлоқ участкада пайвандчилик бригадалари ўтган бир ой мобайнида 3500 метр узунликдаги газ қурувлари пайвандлаб, кўчиш учун тайёрлаб қўйилган.

РУҲИНГИЗ ТЕТИК БЎЛСИН!

СОҒИҢ, саломатликка нима етсин. Бошингиз омон бўлса, кўзингиз чароғон, йўлингиз раво, ҳаётингиз фаровон бўлади. Шу боис соғлиқни ҳеч нарсага тенглаштириб бўлмайди.

Ҳасан ИБРОҲИМОВ.

«СОҲИБҚИРОННИНГ ЁШЛИГИ»

ИҶДОШ Охунбобоев номидаги Ёш томошабинлар театри болажонларнинг энг сеvimли масканларидан биридир.

МАХСУС ЁРЛИҚ ЭГАСИ

ТОШКЕНТ Давлат консерваториясининг ўқитувчиси С. Цой яқинда бўлиб ўтган Халқаро кўшиқчилар танловида иштирок этиб, нуфузли ҳақамлар ҳайъатининг эътиборини қозонди.

ТАБИАТ СИРДОШЛАРИ

ПОИТАХТИМИЗДАГИ 275-ўрта мактабда болаларни табиатга меҳр руҳида тарбиялаш борисида кўплаб хайри ишлар амалга оширилмоқда.

Салоҳиддин СИРОЖИДИНОВ, Маданият ишлари ва зирлигининг ахборот маркази ходими.

ЯНГИ ҚўЛЛАНМАЛАР

БОЛАЛАРНИ нафосатга муҳаббат руҳида тарбиялаш уларнинг бадий савиясини ошириб бориш республика тасвирий санъат ўқитувчилари уюшмасининг асосий вазифаларидан биридир.

БОЛАЛАР УЧУН ФИЛЬМЛАР

Республикамизда кўплаб киностудиялар фаолият кўрсатишда, уларда рангбаранг фильмлар яратиб томошабинлар хужмига ҳавола этилмоқда.

С. САЛОҲОВ.

Футбол

ЧИРЧИКЛИКЛАРНИНГ САФАРДАГИ ҒАЛАВАСИ

ҲАР бир команда учун сафарда ўйнаш қийин. Ҳатто пешакарлик қилаётган ва рақибга қараганда тажрибали бўлган жамоа ҳам сафар масъулиятини алоҳида ҳис қилади.

Тошкентнинг «Пахтакор» футболчилари Жиззабда «Сўғдиёна» ни 1:0 ҳисобида енгилди. Шу турнинг қолган ўйинларида қўлдаги натижалар қайд этилди: «Нурафшон» — «Трактор» — 1:1, «Подитогел» — МХСК (Тошкент) — 0:4, «Синфокор» — «Динамо» — 1:0, «Темирўлчи» — «Янгир» — 2:1, «Навбахор» — «Нефчи» — 0:0, «Космосойчи» — «Наврўз» — 1:1.

АКС САДО

«ЭГРИ ЙЎЛ», «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ», 1993 ЙИЛ, 13 ФЕВРАЛЬ.

ЖАЗО ЧОРАЛАРИ ҚАТТИҚРОҚ БЎЛСИН

Мақолаи ўқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришга қарор қилдим. Тўғри, мен ҳуқуқшунос эмасман, оддий шифокорман.

ҚАНОАТЛИ ҚАДР ТОПАДИ

Ҳаётда бир-икки фарзанди билан бева қолиб, уларга қанча оина, ҳам ота бўлиб тарбия бераётган покжиз аёлларимиз, умр бўйи ўша шайларига доғ туширмаган

Билиб қўйсан яхши

ЛАВЛАГИДАН УЙ ШАРОИТИДА ШИРИНЛИКЛАР ОЛИШ УСУЛИ

ШАКАР тансиқ бўлган ҳозирги вақтда уй шароитида қанд лавлагидан шарбат ва ундан қўрилган маҳсулотларни тайёрлаш мумкин.

Бу духовка-таңдирда лавлаг идишда қанд лавлагидан шарбат ва ундан қўрилган маҳсулотларни тайёрлаш мумкин.

ДАСТЛАБКИ КИЛОМЕТРЛАР

РАЙОНДАГИ барча қишлоқлар 1994 йил декабрга қадар газлаштириб бўлиниши кўзда тутилган.

РУҲИНГИЗ ТЕТИК БЎЛСИН!

СОҒИҢ, саломатликка нима етсин. Бошингиз омон бўлса, кўзингиз чароғон, йўлингиз раво, ҳаётингиз фаровон бўлади.

Ҳасан ИБРОҲИМОВ.



МИСРДА чиқадиган «Ал-вафд» рўзномасининг хабар беришича, Мисрда, Ироқ ички ишлар вазири Вағб ал-Хасанин ўғли рабл кетиш учун номаълум шахслар томонидан қўрилган заҳарли ҳужумга учирган.

ЭЪЛОНЛАР, БИЛДИРУВЛАР

«ШИРКАТ ТРЕЙДИНГ» фирмаси СИЗЛАРГА МУНТАЗИР. Агарда Сиз ноширлик хизмати соҳасида қийинчилик сезаётган бўлсангиз, биз билан ҳамкорлик қилинг.

Тошкент ҳақиқати МАУАССИЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ. БИЗНИНГ МАНЗИЛҲОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КҮЧАСИ, 32. ХАТЛАР ВА ОММАВИЙ ИШЛАР БУЛИМИ — 33-40-48. АХБОРОТ, ТИЖОРAT ВА ЭЪЛОНЛАР БУЛИМИ — 33-99-15.